

**Мавзу «ЕР ОСТИ ВА ЕР УСТИ
РЕСУРСЛАРИНИ САНОАТДА
ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ»**

Режа:

1. Ер устки ресурсларидан ва улардан тежамкорлик билан фойдаланиш.
2. Ер ости ресурслари ва улардан тежамкорлик билан фойдаланиш.

Машғулотнинг технологик харитаси:

***Машғулот тури* – маъруза**

***Фойдаланиладиган материал ва воситалар* –**
компьютер, проектор, экран.

Қўлланиладиган педагогик технология

***элементлари* –** интерфаол, тақдимот
материалларини қўрсатиш ва тушунтириб бериш

Талабалар томонидан материалнинг

***ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш* –**
думалоқ рангли қоғозлар ёрдамида рейтинг
баллари орқали

Машғулот структураси:

- дарснинг ташкилий қисми - 5 дақиқа
- олдинги ўтилган мавзуни тақрорлаш – 10 дақиқка
- янги мавзуни, унинг мақсади ва режасини эълон қилиш – 5 дақиқа
- маъруза материалларини ўтиш – 50 дақиқа
- ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш – 5 дақиқа
- дарсни якунлаш 5 дақиқа

1. Тупроқ, унинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти

Тупроқ – бу ер пўстлоғининг мураккаб муҳитга эга бўлган юпқа сиртқи қатлами. Унда органик моддалар парчаланиш-синтезланиш жараёнларининг муттасил кечиши тўхтовсиз модда айланishi таъминлайди ва шу аснода тупроқниң унумдорлиги сакланади.


Тупроқ 4 асосий қисмдан ташкил топған:

1. Тупроқ зарралари – органик ва минерал моддалардан иборат
2. Тупроқ намлиги – сув ва унда әриган минераллардан иборат
3. Тупроқ газлари – асосан N_2 , O_2 ва CO_2 дан иборат
4. Тирик организмлар – асосан микроорганизмлар ва камроқ мезоорганизмлар


Тупроқнинг функциялари:

Тупроқнинг табиатда ва инсон
ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. У
қуийидаги вазифаларни
бажаради:




1) Қуёш энергиясими түплайди, үзгартиради ва үсимлик организмларига етказиб беради



2) Унда кимёвий элементлар тупроқ → организм → тупроқ тизимида айланиб туради.



**3) У тирик организмлар учун
яшаш муҳити ва таянч
вазифасини ўтайди.**




2. Дунёнинг ер ресурслари

Сайёрамиздаги умумий ер – 14,9 млрд.га (ер юзининг 29 %)

- 4,03 млрд.га (27 %)-ўрмонлар
- 2,85 млрд.га (19 %) – ўтлоқ ва яйловлар
- 2,32 млрд.га (15,5 %) – сахролар
- 1,9 млрд.га (13 %) - экинзорлар

Қолгани музликлар (11%), кўл ва ботқоқликлар (4,8 %), тундра (4,7 %) билан, 0,3 млрд.га (2%) аҳоли пунктлари билан банд.




■ Сайёранинг
умумий ер
фонди
■ Экинзорлар-
нинг умумий
майдони

Экинзорлар майдони Дунё ахолиси жон бошига 0,27 га (1980 й - 0,5 га, 2002 й - 0,3 га), МДҲ да 0,9 га, Ўзбекистонда 1,1 га.га тўғри келади.

Ўзбекистоннинг умумий майдони – 44,9 млн.га

Экинзорлар майдони – 28,1 млн.га

Суғориладиган майдон – 4,2 млн.га



■ Ўзбекистонни
нг ер
майдони

■ Экинзорлар
майдони

■ Суғориб
экиладиган
майдон

3. Тупроқ унумдорлигининг пасайиш сабаблари

1. Тупроқ эрозияси. Эрозия (лот. erosio-емириш) – тупроқ унумдор қатлами ning өмирилиши ва кўчиши. У 2 хил бўлиши мумкин:
 - табиий (геологик) ҳолда секин кечадиган эрозия
 - сунъий (антропоген) тез кечадиган эрозияКелтириб чиқарувчи омилларга кўра 2 турдаги тупроқ эрозияси фарқланади:
 - шамол эрозияси - тупроқ сиртиning шамол билан чангланиб кўчиши
 - сув эрозияси – тупроқ сиртиning сел оқимлари билан ювилиб кетиши

Савол:
Ўзбекистон
худудида шу иккала
тур эрозиядан
қайсиси қаерда
учраши мумкин?


Тупроқ эрозияси қуидаги сабабларга кўра келиб чиқади:

- 1) ўрмонлар ва ихота дарахтзорларининг камайиши
- 2) яйловда молларнинг ҳаддан ташқари кўп боқилиши
- 3) қияликларнинг нотӯғри ҳайдалиши
- 4) агротехник тадбирларнинг нотӯғри ташкил этилиши

2. Тупроқнинг шўрланиши. У икки хил бўлади:

- бирламчи шўрланиш – тупроқка туз моддаларининг ҳаводан тушиши ва сув билан кириши
- иккиламчи шўрланиш – ер ости сувлари буғланишидан тупроқ сиртида туз моддаларининг тўпланиб қолиши

Ўзбекистонда шўрланган майдонларнинг динамикаси



- жами шўрланган ерлар
- кучсиз шўрланган ерлар
- ўртacha шўрланган ерлар
- кучли шўрланган ерлар

Савол:
Иккиламчи шўрланиш
қайси жойларда
учраши мумкин?

3. Тупроқнинг чўлланиши – бу жараён узоқ муддат ёғингарчилик бўлмайдиган қуруқ шароитда пайдо бўлади. У айниқса Шимолий Америкада (ҳар йили 100 минг га.), Саҳрои Кабирда (кейинги 50 йилда саҳро 6,5 млн.га.га кенгайди) кўп учрайди. Чўлланишдан ҳар йили 50-70 минг км/кв майдон ишдан чиқиб, дунё иқтисодиёти 10 млрд.\$ миқдорида заарар қўрмоқда.

4. Тупроқнинг ботқоқланиши – ер ости сувлари сатҳи юқори бўлган жойларда тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви-дан келиб чиқади. Бу жараённи баъзи янги ўзлаштирилган ерларда учратиш мумкин.

5. Тупроқнинг кимёвий заҳарланиши – икки сабабга кўра келиб чиқади:

- деҳқончиликда минерал ўғитлар ва кимёвий заҳарлардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш
- саноат корхонасидан ҳавога заҳарли моддаларнинг кўплаб чиқарилиши. Бундай корхона атрофига “индустрисал сахро” пайдо бўлиши мумкин.

4. Тупроқни муҳофазалаш тадбирлари

1. Тупроқни эрозиядан муҳофазалаш учун:

- ўрмонларни ва ўрмонсиз ҳудудларда иҳота дараҳтзорларини кўпайтириш
- қияликларни террасалар бўйлаб кўндалангига ҳайдаш ва кўп йиллик ўсимликларни экиб парваришлаш
- яйловларда мол боқишини тартибга солиш
- дехқончиликда алмашлаб экишни жорий қилиш

4. Чүлланишдан мухофазалаш учун:

- яйловларда мол боқиши тартибга солиш
- чўл ҳудудида бажариладиган геологик –қидирув ишларида, кончилиқда, электр узатиш линиялари (ЛЭП) ва бошқа муҳандислик – коммуникацияларига хизмат кўрсатишда фақатгина мавжуд йўллардан фойдаланиш



Ер юзасида ҳар хил муҳандислик коммуникация қувурларни ётқизиш, тупроқ ҳолатига салбий таъсир этиб, тупрокда биологик жараённи бузади ва ифлослайди. Ётқизилган қувурлар ва кабеллар атрофидаги тупроқ таркиби бузилади, тупрокдаги микроорганизмлар нобуд бўлади, ўсимликлар қурий бошлайди.

Газ Қувурлари атрофидаги 100 метргача тупроқни захарласа, иссиқлик Қувурлари 24 метргача бўлган полосада тупроқни куритиб, сув режимини бузиб тупроқдаги микроорганизмларнинг ўлишига, ўсимликларнинг Қуришига олиб келади.

■ Дунёда жамиятнинг тобора ривожланиб бориши ўз навбатида *ер ости ресурслари-* фойдали Қазилмаларга бўлган талабни кун сайин ортиб боришига олиб келмоқда. Бу эса Қазилма бойликларгни кўплаб Қазиб олиш, унинг янги-янги конларини Қидириб топишнир тақозо этади. Лекин *қазилма бойликлар тугайдиган ва қайта тиклаб бўлмайдиган ресурслар синфига* кирганлиги сабабли ундан режасиз, нес-нобуд Қилиб фойдаланиш туфайли унинг захираси тугаб Қолиши мумкин.

Дунёда ер ости ресурсларидан тежамкорлик билан ишлатиш учун Қуидаги вазифаларни амалга ошириш керак:

- 1) мавжуд ва миқдори камайган Қазилма бойликларнинг янги конларини ҳозирги замон техник имкониятларидан фойдаланиб, қидириб топиш;**
- 2) океан ва денгиз остидаги Қазилма бойликлардан фойдаланишга эришиш;**
- 3) фан ва техника ютуқларига асосланиб, ернинг чуқурроқ қисмидаги бойликлардан фойдаланишга эришиш;**

4) океан суви таркибида эриган холдаги минералларни кимёвий йўл билан унинг чучуклашитиришда ажиратиб олишга эришиш;

5) келажакда зарур ва киммат баҳо металларни дунёда куп тарқалган тоғ жинсларидан, хусусан гранитдан ажратиб олишга эришиш.

Қазилма бойликлардан оқилона фойдаланишнинг яна бир йўли Қазиб олинган ва Қайта ишланган, хом ашёларни ташишда исрофгарчиликка кам йўл қўйишга эришишдир. Маълумки, Қазиб олинган ёки Қайта ишланган хом ашёларни ортишда, туширишда, темир йўл вагонлари ва автомобилларда ташишида уларнинг маълум қисми нес-нобуд бўлади. Кўмирни, цементни, алебастрни, оҳакни ва бошқа хом ашёларни вагонларда очик усуlda ташилаётганда уларнинг бир қисмини шамол учирив, темир йўлни ифлослайди ва нес-нобуд бўлади.

Қазилма бойликалардан оқилона фойдаланишда тоғ жинсларининг таркибидағи фойдали компонентларнинг деярли ҳаммасини ажратиб олишга эришиш мұхим аҳамияттаға эга. Чунки табиатда фактат битта металл сақловчи тоза руда йўқ, балки рудада асосий компонентдан ташқари яна Қимматбаҳо йўлдош компонентлар ҳам бўлади. Лекин баъзи корхоналарда асосий компонентларни ажратиб олиб, Қолганларини кераксиз жинс сифатида чиқариб ташланади.

Ахборот манбълари:

1. Никитин Д.П., Новиков Ю.В. – Окружающая среда и человек. М. «Высшая школа», 1980
2. Отабоев Ш., Набиев М. – Инсон ва биосфера. Тошкент, «Ўқитувчи», 1998
3. Ergashev A., Ergashev T. – Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. Toshkent, «Yangi asr avlodi», 2005
4. Web сайtlар:
 www.uznature.uz – Ўзбекистон Республикаси табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
 Ekonews.uznature.uz – Chinor ENK ахборот сайти